# ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

1993 йил 17 август
СЕШАНБА
№ 95 (5.536).
СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий газетаси • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган


# ЁЗ НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ — ЭЛ ДАСТУР ХОНИГА







## БОҒБОНЛАР ҲИММАТИ

Ҳозир ўлкамизда айни пишиқчилик пайти. Боғларни жаннатга қиёслаш мумкин. У ерда меванинг ҳамма хили бор: олма, шафтоли, анжир, нок...

Аҳолини ширин-шакар мева-чева билан таъминлашда боғбонларнинг хизмати ниҳоятда катта. Айни пайтда ҳам бу фидойи касб эгалари ниҳоятда масъулиятли дамларни бошдан кечиришмоқда. Ҳосилни нест-нобуд қилмай вақтида йиғиштириб олиш, уни уринтирмай аҳолига ва тайёрлов идораларига етказиб бериш боғбонларнинг биринчи галдаги вазифасидир.

Тошкентдаги Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси миришкор боғбонларининг ҳам иши шу кунларда қизғин паллага кирган. Жамоа боғларида мўл ҳосил етиштирилди. Саранжомланган маҳсулот пешма-пеш аҳоли дастурхонига, бирлашманинг ўзидаги қайта ишлаш корхоналарига етказиб берилмоқда.

Бирлашманинг бутун аҳли ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш билан машғул. Шу боис режа бўйича давлатга маҳсулот топшириш бир маромда бормоқда. Айниқса, Абдуманнон Абдужалилов бошлиқ бригада аъзолари бу борада пешқадамлик қилишяпти. Жамоада топширилаётган маҳсулотнинг сифати ҳам яхши. Ишчилардан Мавлон Қўрғонбоев, Нуриддин Ҳусанбоевлар ҳамкасблари ўртасида пешқадамлик қилиб, кунлик режани 1,5—2 баравар қилиб бажаришмоқда.

**Ҳ. БОЛТАЕВ.**

**СУРАТЛАРДА: 1. Бригада бошлиғи Абдуманнон Абдужалилов (ўнгда) ва боғбон Мавлон Қўрғонбоев аҳолига жўнатилаётган меваларнинг сифатини кўздан кечиришмоқда. 2. Ёз неъматлари. 3. Ҳосилни йиғиштиришда пешқадамлик қилаётган ишчи Нуриддин Ҳусанбоев.**

Н. МУҲАММАДЖОНОВ
олган суратлар.

## МЕВА МЎЛ БЎЛДИ

**Задарё райони боғбонлари давлатга мева топшириш режасини уддаладилар. Улар режадаги 393 тонна ўрнига 548 тонна ширин—шакар ёз неъматларини топшириб, аҳоли дастурхонини тўкин қилишга ўз ҳиссасини қўшдилар. Амир Темур, Олтинкўл, «Наманган», «Гигант», «Гулбоғ» жамоа ва давлат хўжаликлари ҳосилни нест-нобуд қилмий йиғиштириб олишда пешқадамлик қилишди. Мавжуд жамоаларда давлат режаси 150—160 фоизга бажарилди.**

**Шу кунларда районда мевани саранжомлаш қизғин бормоқда. Терилган маҳсулот пешма-пеш аҳолига жўнатиляпти. Боғбонлар яна 16 тонна мева териб, давлатга топширишни мўлжаллашмоқда.**

Қ. АБДУНАБИЕВ.

## ФУРСАТ ҒАНИМАТ

**РЕСПУБЛИКАМИЗДА МЕВА, САБЗАВОТ ВА ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЙЁРЛАШ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?**

Серқуёш республикамизда ҳозир айни пишиқчилик. Мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари ғарқ пишган. Бозорларда бироз қиммат бўлса-да ҳамма нарса бор.

Пишиқчилик мавсуми қандай ўтмоқда? Маҳсулотлар даладан ўз вақтида йиғиштириб олиняптими? Уларни давлатга топшириш қандай бормоқда? Режачи? Бу борада қандай қийинчиликлар, муаммолар бор?

Жорий йилда миришкорларимизнинг режалари улкан. Улар 1 миллион 704 тонна сабзавот, 320 минг тонна мева, 600 минг тонна узум, 250 минг тонна картошка етиштириб, давлатга сотишни мақсад қилиб қўйишган.

Топшириқни тезроқ уддалаб, Ватан олдида юзлари ёруғ бўлиш учун шу кунларда кўплаб миришкорлар тиним билишмаяпти. Ҳамма куч, имкониятлар ишга солинмоқда. Масалан, фарғоналик сурхондарёлик, наманганлик, деҳқонлар ҳозиргача йиллик режанинг 30—45 фоизи миқдорида маҳсулот тайёрлаб, эл дастурхонига етказиб бердилар. Айни кунларда ҳам ушбу вилоятларда сабзавот тайёрлаш жадал суръатда давом этяпти.

Шу кунгача республикамизда йиллик режанинг 25 фоизи миқдорида ноз-неъмат тайёрланди. Бу рақамлар тили билан айтганди 430 минг тонна демакдир. Ваҳоланки, ўтган йили шу кунгача 600 минг тоннадан зиёд сархил маҳсулот тайёрланганди. Сирдарё, Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон республикасида муҳим иш ниҳоятда чўзилмоқда. Ҳозиргача мазкур вилоятларнинг бирортасида ҳам режа 15 фоизга етмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Эндиликда ҳар бир ғанимат кундан унумли фойдаланилмаса вақтни бой бериш ва давлат топшириғи хавф остида қолиши ҳеч гап эмас. Шу боис ушбу вилоятларнинг бу ишга масъул раҳбарлари жиддий ҳаракат қилишлари зарур. Вақт кутиб турмайди.

Бу йил баҳордаги дўл, жала ва ёғингарчиликнинг маромдан зиёд бўлиши боғларга ҳам жиддий таъсир қилди. Кўпгина ҳосил тугунчалари тўкилиб кетди. Натижада мева кам, унинг пишиши ҳам кечикди. Начора табиатни жиловлаб бўлмайди. Лекин тажрибали, ўз касбига фидойи кишилар аҳволнинг ниҳоятда жиддийлигига қарамай табиат хуружларини бартараф этиб, бор куч ва имкониятларини сафарбар этдилар. Бундайлар жумласига бухоролик, навоийлик, фарғоналик, андижонлик боғбонларни киритиш мумкин. Улар йиллик режанинг 60—100 фоизи миқдорида мева тайёрлаб, бу борада республикада пешқадамлик қилишмоқда. Ҳозиргача юртимизда мева топшириш топшириғи 50 фоиздан ошиб, 140 минг тоннадан зиёд сархил ноз-неъмат тайёрланди.

Ҳамма вилоятларда ҳам мева тайёрлаш ва давлатга сотиш кўнгилдагидай, деб бўлмайди. Масалан, Жиззах вилоятида топшириқ 15 фоиз, Самарқанд вилоятида эса 25 фоизга уддаланди. Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент, Сирдарё вилоятларида ҳам йиллик топшириқнинг 25—30 фоизи миқдорида маҳсулот тайёрланди, холос, Фурсат ғанимат. Долзарб дамларнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланилмаса, бутун куч ва имкониятлар маҳсулотни саранжомлашга қаратилмаса кейин кеч бўлиши мумкин.

Республикамизда ўртаки картошкани йиғиштириб олиш ҳам қизғин давом этмоқда. Ҳозир бу борадаги давлат топшириғи 25 фоиздан ошди. Навоий, Бухоро, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари йиғим-теримда пешқадамлик қилишмоқда. Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Қорақалпоғистон, Андижон вилоятлари деҳқонлари эса сусткашликка йўл қўймоқдалар. Мазкур вилоятларда йиллик топшириқнинг 15—20 фоизи миқдорида маҳсулот тайёрланди. Жиззах вилоятида эса аҳвол ниҳоятда ташвишли. Ҳали йиллик режанинг 10 фоизи ҳам бажарилгани йўқ. Умуман мазкур вилоят мева, сабзавот тайёрлашда ҳам республика вилоятлари орасида энг охирги ўринда.

Кўпгина вилоятларнинг баъзи хўжаликларида картошка пишиб етилганлигига қарамай уни тайёрлов идораларига топшириш чўзилиб кетмоқда. Сусткашлик маҳсулотнинг нест-нобуд бўлиши ва талон-торожликка йўл очиб бериши мумкин. Буни хўжалик раҳбарлари яхши билишлари лозим.

Шунингдек, юртимизда узум ва полиз маҳсулотлари тайёрлаш ҳам қизғин паллага кирмоқда. Ўйлаймизки, бу соҳа меҳнатчилари суръатни кундан-кунга ошириб режаларини шараф билан бажарадилар. Катта машаққат, деҳқоннинг пешона тери эвазига етиштирилган маҳсулот харидорга ўз вақтида етказиб берилиши учун бутун чора-тадбирлар кўрилиши лозим.

**Ҳ. КАРИМОВ,**
**«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.**

## ОБ-ҲАВО

Шу ҳафтанинг бошларида қуруқ ва иссиқ ҳаво сақланиб туради. Ҳарорат кечаси 17—22 даража, кундузи 34—39 даража атрофида бўлади. Республикамизнинг жанубида ва чўл минтақаларида ҳаво 40—41 даража қизийди. Кейинги кунларда Ўрта Осиё ҳудудида ҳаво булутланиб, Кавказдан салқин оқим кириб келади. Тоғ ва тоғ олди районларида кучли шамол эсиб, чанг-тўзон кўтарилади, қисқа муддатли ёмғир, дўл ёғиши эҳтимоли бор. Ҳарорат тунлари 14—19, кундузлари 28—33 даражагача пасаяди. Ҳафтанинг охирида, ҳароратнинг кўтарилиши кутилади.

**А. РОСТОРГУЕВА,**
**Об-ҳавошунос.**

## ЎҚИШ-ЎРГАНИШНИНГ КЕЧИ ЙЎҚ

Наманган вилояти ҳокимлиги раҳбар ходимлар учун сиёсий ва иқтисодий ўқиш ташкил этди.

Машғулотларда тингловчилар Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотнинг бориши, давлатимиз ички ва ташқи сиёсатининг йўналишлари билан танишадилар. Бу масалалар вилоят ҳаётидан олинган аниқ мисоллар билан боғлаб ўрганилади.

Маҳаллий олимлар, мутахассислар, шунингдек, республиканинг етакчи иқтисодчилари, қонуншунослари, адлия ходимлари энг долзарб муаммолар бўйича маърузалар қиладилар.

Вилоят ҳокимлиги худди шундай машғулотларни ўрта ва қуйи бўғин раҳбарлари учун ҳам ташкил этишни режалаштирмоқда.

## ДОРИ-ДАРМОН СОВҒА ҚИЛИНДИ

Япония ва Швейцариядан Тошкентга инсонпарварлик совға-саломлари келди. Улар Ўзбекистоннинг даволаш муассасалари жуда муҳтож бўлиб турган дори-дармонлардан иборатдир.

Чунончи, Швейцариянинг фармацевтика маҳсулотлари билан машҳур «Сибагейги» фирмаси бод ва асаб касалликларини даволаш учун мўлжалланган дори-дармонлар юборган. Япониядан йўлланган дори-дармонлар эса, бемор болалар ва оналар дардини енгиллаштиради.

Инсонпарварлик ёрдамини қабул қилиш ва тақсимлаш бўйича республикада тузилган комиссия бу дори-дармонларни айниқса муҳтож бўлганларга йўллашга қарор қилди. Дори-дармонлар Ўзбекистон пойтахтидаги биринчи шаҳар болалар бирлашган шифохонасига, Тошкент тўқимачилик комбинатининг медицина-санитария бўлимига, Тошкент тиббиёт институтларининг клиникаларига, Андижон, Самарқанд ва бошқа вилоятлар марказларининг туғруқхона ва шифохоналарига етказилади.

**(ЎзА).**

**● МИРЗО УЛУҒБЕК ТАВАЛЛУДИНИНГ 600 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН**

## ОҚ МАРМАРДАН МИНОРА

Республика ҳукумати Самарқанддаги учта тарихий меъморчилик ва маданият ёдгорлиги — Регистон майдонидаги Мирзо Уруғбек мадрасаси, Улуғбек расадхонаси ҳамда Гўри Амир мақбарасини қайта таъмирлаш ва атрофини ободонлаштириш мақсадида 1,5 миллиард сўм маблағ беришга қарор қилди. Вилоят ҳокимлиги ҳам бу хайрли тадбирга бош қўшиб, яна шунча миқдорда пул ажратишни зиммасига олди.

Маълумки, келгуси йили бутун дунё улуғ олим ва мунажжим Муҳаммад ибн Тарағай Улуғбек таваллудининг 600 йиллигини кенг нишонлайди. Шу муносабат билан аллома ҳаёти ва фаолиятида муҳим ўрин тутган қадимий юрт — Самарқандда тантанага қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. ЎзА мухбири вилоят жокими ўринбосари, Улуғбек юбилейини ўтказиш комиссия раисининг ўринбосари Акрам Худойқулов билан учрашди.

— ЮНЕСКО қарори билан 1994 йилда Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги бутун дунёда катта тантана билан нишонланади. Амир Темурнинг суюкли набираси Улуғбек ўз даврининг илмли султони, инсонпарвар шахс сифатида тарихда қолган. Бинобарин, бу улуғ сиймонинг 600 йиллик қутлуғ юбилейи жаҳон аҳамиятига молик улкан анжуман бўлиб, истиқлолга эришган Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини яна бир карра орттириши шубҳасиз.

Самарқандда Мирзо Улуғбек номида янги кўркам боғ барпо этилмоқда. Оқ мармардан минора тикланмоқда. Қутлуғ сана муносабати билан «юбилей қурилишлари» деган жумла пайдо бўлди. Улуғбек расадхонаси, Улуғбек мадрасаси ва Улуғбек дафн этилган Амир Темур мақбараси шулар сирасига киради. Бу ерга келадиган меҳмонларни биринчи галда улуғ олим ва давлат арбобининг бизга қолдирган мероси кўпроқ қизиқтириши табиий. Шунинг учун ҳам юбилей учун сарфланадиган маблағнинг асосий қисми ана шу улкан тадбирга ажратилди.

Қутлуғ қадамжолар, табаррук зиёратгоҳларни қайта таъмирлаш, тиклаш ва улар атрофида ободончилик ишларини бажаришни махсус гуруҳ зиммасига юкладик.

Қарши, Бухоро ва Қўқондан меъморчилик обидаларининг сир-асрорини пухта билган усталар келиб, қурилиш ишларига катта ҳисса қўшмоқда. Бундан ташқари, йирик қурилиш ташкилотлари, бинокорлик муассасалари ишнинг тезлашишини таъминламоқда. Яна бир янгилик шуки, Президентимиз, республика ҳукумати ҳамда республика Фанлар академияси саъй-ҳаракатлари туфайли Самарқандда Улуғбек академияси қайта тикланди.

— 1994 йил сентябрь-октябрь ойларида Самарқандда якунловчи тантаналарни ўтказиш учун махсус дастур асосида тайёрланяпмиз. Меъморчилик ва шаҳарсозлик бош бошқармаси Самарқанд шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда кўргазма ташкил этиши кўзда тутилган. Самарқанднинг энг гўзал масканида алломага ҳайкал ўрнатилади. Бобомиз сиймосини амалий санъат асарлари, турли хил кўза, чинни идишларда акс эттириш билан боғлиқ режалар амалга оширилмоқда. Регистон майдонида ўтказиладиган тантанали маросимга алоҳида аҳамият берилмоқда. Миллий савдо расталари, шарқона чорпоялар ўрнатилади, чодирлар тикилади. Халқаро анжуман ўтказиш таклифи тайёрланиб, республика ҳукумати ва ЮНЕСКОга тақдим этилади.

**Ҳ. ШУКУРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ЎШ: ДЎСТЛИК КЎПРИКЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНДИ

Илгари хабар қилинганидек, 14 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов амалий ташриф билан Ўш вилоятида бўлди. Бу ерда Ўзбекистон ва Қирғизистон давлат бошлиқлари 1994 — 2000 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги баёнотномани имзоладилар.

— Собиқ Иттифоқ ҳудудида ташкил топган мустақил давлатлар ўзларига хос тараққиёт йўлини белгилаб олдилар, — деди И. Каримов. — Жумладан, Қирғизистон ҳам ички ва ташқи сиёсатни, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ўзига мақбул йўлдан бормоқда. Шундай бўлсада, биз дили, тили, дини — ҳатто бозори ҳам, мозори ҳам бир халқлармиз: ён қўшнимиз бирор муаммога дуч келса, бир нарсадан қийналса, томошабин бўлиб қараб тура олмаймиз.

— Биз Ўзбекистон Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ташрифидан ғоят хурсандмиз, —деди Асқар Акаев олий мартабали меҳмонни қирғиз эли номидан қутлар экан — Бундан икки ярим йил илгари республикаларимиз учун оғир пайтда — 1991 йилнинг март ойида мана шу заминда учрашиб, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга имзо чеккан эдик. Шундан буён Ўзбекистон— Қирғизистон муносабатларида анча-мунча ижобий ўзгаришлар рўй берди. Ўйлайманки, бу галги учрашувимиз, унда қабул қилинадиган ҳужжат дўстона алоқаларимизни янада юқори босқичга кўтаришга асос бўлади.

Шуни таъкидлаш зарурки, Ўш кўчаларини тўлдирган шаҳар жамоатчилиги, меҳнаткашлар, ёшлар вакиллари азиз меҳмонни шоду ҳуррамлик билан кутиб олдилар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташрифини қизғин қутладилар.

Ўш вилояти ҳокимлигида икки давлат ўртасидаги 1994—2000 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатни имзолаш маросими бўлди. Унда Наманган, Андижон, Фарғона, Жалолобод ва Ўш вилоят ҳокимлари ҳам иштирок этдилар. Шундан сўнг оммавий ахборот воситалари мухбирлари билан учрашув бўлиб ўтди.

— Бугун тасдиқланган ҳужжат амалий алоқаларимизни кучайтиришга хизмат қилади, — деди И. Каримов журналистларга. — Бунинг учун, аввало, иқтисодий ҳамкорлигимиз йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этишимиз зарур.

Маълумки, иттифоқ парчаланиб кетгач, ишлаб чиқариш корхоналари, завод ва фабрикалар ўртасидаги хомашё, бутловчи материаллар етказиб бериш борасидаги алоқалар узилиб қола бошлади. Айниқса, Қирғизистонда миллий пул — «сом»нинг жорий этилиши ҳисоб-китоб ишларини мураккаблаштирди. Лекин бу масалалар албатта ечимини топиши зарур. Биз бир-биримизсиз яшай олмаймиз. Иқтисодимиз ҳам, маънавиятимиз ҳам — бутун ҳаётимиз минг битта ришта билан чамбарчас боғланган. Шу жиҳатдан доимо бир-биримизга елкадош бўлсак, бамаслаҳат иш тутсак, олдимизда турган муаммоларни ечишимиз осон кечади. Бугунги учрашувда қўшни беш вилоят ҳокимларининг иштирок этаётгани бежиз эмас. Улар келишувимизга мувофиқ сентябрь ойида Наманганда тўпланиб, ўзаро иқтисодий алоқаларни, савдо-сотиқ ишларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш тартибларини ишлаб чиқадилар. Бугунги имзоланган ҳужжатни амалга ошириш бўйича эса иккала мамлакат Бош вазирларининг биринчи ўринбосарлари раислигида ишчи гуруҳлари тузилди. Хуллас, бизнинг муаммоларимизни биров четдан келиб ечиб бермайди. Ҳаммасини ўзимиз ҳал этмоғимиз керак.

— Биз мустақилликка эришгач, дунёнинг кўп мамлакатларида бўлдик, уларнинг тажрибаси билан танишдик, ҳаётини ўргандик, — деди Қирғизистон Президенти А. Акаев. — Лекин сувимиз, еримиз бир бўлган Ўзбекистон билан дўстлигимизга ҳеч нима тенг келолмайди. Ислом Абдуғаниевич таъкидлаганларидек, халқ тақдири бир экан, унинг иқтисодиёти ҳам бир бўлади. Яна шуни айтишим керакки, бу бирлик бизнинг мустақил давлатлар сифатидаги қудратимизни ҳам бир ўзанга солади, кучайтиради. Ўзбекистон ҳукумати, ҳурматли Президент Ислом Каримов бизга ҳар жиҳатдан хайрихоҳлик қилиб, дунё миқёсидаги ишларда қўллаб-қувватлаб келяпти. Биз бундан бениҳоя миннатдормиз.

Шундан сўнг И. Каримов билан А. Акаев мухбирларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

Қорасув тумани Қурмонжон Додо номидаги жамоа хўжалиги меҳнаткашлари билан учрашув ҳам самимий ўтди. Ўзбекистон Президенти деҳқонларнинг ишлари билан танишди, пахта, маккажўхори каби экинларнинг ривожини кўздан кечирди. Хўжалик аъзолари билан очиқчасига, дилдан суҳбатлашди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, унинг илк самаралари, аҳолини, айниқса, эҳтиёжманд табақа — болалар, нафақачилар, ночор оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, янги иш жойлари ташкил этиш борасидаги республика ҳукумати кўраётган чора-тадбирлар хусусида сўзлаб берди. Ўш вилоятида қанча пахта етиштирилаётганини суриштирди.

— Сизлар илгари, билишимча, икки юз минг тоннадан ортиқроқ пахта берар эдинглар, — деди Ислом Каримов. — Демак пахта миқдори тўрт баравар камайибди. Мен фақат шуни айтмоқчиманки, жаҳон бозорида пахтага доимо харидор топилади. Уни валютага, олтинга айрибошлаш мумкин. Агар пахтачиликда, хусусан, техника, ўғит масаласида етишмовчилик бўлса, биз бажонидил ёрдам берамиз. Сизлар боринглар, водийдаги бизнинг уста пахтакорларимиз келсин, хуллас, борди-келдимиз узилмасин!

Хўжалик деҳқонлари И. Каримовга йиллик режалари, уни бажариш борасида амалга ошираётган ишлари, мавжуд муаммолар хусусида гапирдилар.

Дўстона ташриф ниҳоясига етди. Икки халқ ўртасидаги дўстлик кўприклари янада мустаҳкамланди. Бу эса иқтисодий алоқаларимиз самарали бўлишига хизмат қилади.

Қабул қилинган баёнотномада кўзда тутилганидек, мамлакатни иқтисодий ривожлантириш бўйича иккала республикада ишлаб чиқилган миллий дастурларни мувофиқлаштириш, бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил этмаслик, хомашё ва ишчи кучидан, илмий салоҳиятдан унумли фойдаланиш имконини беради. Марказий Осиё давлатларининг ўзаро ҳамкорлиги —минтақага четдан маҳсулот олиб келишни, хомашё чиқаришни камайтиради, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни четга сотиш имкониятларини кенгайтиради. Асосий мақсадимиз бўлган иқтисодий мустақилликка эришиш жараёнини тезлаштиради.

Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг Ўш вилоятига сафарида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари Т. Мирёқубов ҳамроҳлик қилди.

**Аҳмад ХЎЖА,**
**Карим НИЗОМ,**
**ЎзА мухбирлари.**

